



## XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

100120, Guliston sh., Islom Karimov k, 60 uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: [sirdarvo@exat.uz](mailto:sirdarvo@exat.uz)

2021 yil 15 aprel

126/21-6-son

Guliston sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармонида белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6166-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва тизимли назорат қилиб бориш мақсадида ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари А.Байзақовнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сонли “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан ҳисоботи раҳбарлик ва маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг барча ўринбосарлари, вилоят бошқарма, ташкилот, корхона раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимларига:

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 23 мартдаги 122/20-6-сонли қарорининг “Йўл харитаси”да берилган топшириқларнинг ижросини сўзсиз ва сифатли таъминлаш;

қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларини амалга ошириш ҳолати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ахборотни илова қилган ҳолда белгиланган муддатларда “Ijro.gov.uz” электрон тизимига тизимли равишда киритиб бориш топширилсин.

3. Белгилансинки, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 23 мартдаги 122/20-6-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”нинг ҳар-бир банди бажарилиши юзасидан маълумотлар ушбу бандлар бўйича масъул раҳбарлар иштирокида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияларида муҳокама қилиб борилсин.

4. Вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (А.Байзақов), вилоят ҳокимлиги ахборот-таҳлил гуруҳи (Ф.Карамурзаев)га:

“Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали Сирдарё вилоятига юборилган топшириқларнинг ижроси бўйича тизимли назоратни амалга ошириш;

ҳар ой якуни билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларининг ижро ҳолати бўйича ахборот, шунингдек, топшириқларни тўлиқ бажармаган, кечиктириб бажарган ёки умуман ижросини таъминламаган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш юзасидан таклифлар киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

5. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (А.Каримов), вилоят ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи (А.Байзақов), вилоят ҳокимлиги Ахборот-таҳлил гуруҳи (Ф.Карамурзаев) “Йўл харитаси”нинг ижроси ҳақида маълумотларни умумлаштириб, белгиланган муддатларда Адлия вазирлигига тақдим қилиб борсин.

6. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Х.Джалолов)га “Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш аҳволи юзасидан мониторинг қилиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини ташкиллаштиришни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримов ва назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссиясираиси Х.Джалолов зиммасига юклатилсин.

Сессия раиси



М. Ходжиев